

# Инсон сўлаги ва тупроқда шифо борлигини билармидингиз?



11:00 / 04.10.2021 3229

## Одам сўлаги кучли оғриқ қолдирувчи восита сифатида

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, инсон оғзидаги сўлак безлари кунига бир литр, бир ярим литр атрофида сўлак ишлаб чиқарар экан. Сўлак оғиз бўшлиғига тушган турли микробларга қарши курашиш билан бирга оғиз ва тиш эмали учун керак бўладиган калций, фтор, фосфат, магний каби моддаларни ўзида сақлайди. Қолаверса, сўлак таркибида микроорганизмлар, лейкоцитлар, ферментлардан амилаза, лизоцим, оксиллардан альбумин, глобулин, шунингдек, холестерин, глюкоза ва витаминлар бор. Овқат хилига, организмнинг физиологик ҳолати, киши ёшига қараб сўлак сифати ва миқдори ўзгаради.

Париждаги Пастер институти тадқиқотчилари кучли оғриқ қолдирувчи воситани кашф этдилар. Сичқонлар устида ўтказилган тажрибага кўра, кашф этилган воситанинг кучи морфиндан 6 марта кучлироқ экани аниқланди. Бу восита инсон оғзидаги сўлак таркибида бор экан.

Германиядаги “Продент” номли тишларни ҳимоя қилиш жамиятининг таъкидлашича, сўлак тишлар учун ҳаёт иксири (оби ҳаёт) ҳисобланар экан. Чунки сўлакнинг вазифаси фақат таомни намлаб, унинг осон ютилишини таъминлаш эмас, балки оғизни касалликка сабаб бўлувчи бактериялардан тўсишга хизмат қилиш ҳамдир. Қолаверса, тишларнинг эмалининг

мустаҳкамланишида сўлак таркибидаги моддаларнинг ўрни катта. Айтиб ўтганимиздек, сўлак оғиз бўшлиғига тушган бактерияларни нобуд қилиш хусусиятига эга. Шунингдек, сўлак тишлар ҳаво билан тўқнашганда, Аллоҳ таолонинг фазли билан, уларни емирилишдан сақлайди. Сўлак сабабли таомнинг қизилўнгачдан ошқозонга ўтиши осонлашади. Агар сўлак бўлмаганда, еган таомимиз қизилўнгачда туриб қолиб, нафас йўли тўсилгани учун бўғилиб қолишимиз мумкин эди.

## **Тупроқ шифо учун қўлланса**

Бугунги кунда олимлар тупроқда яшайдиган махсус бактериялардан катта миқдорда антибиотиклар ажратиб олмоқдалар. Бу соҳадаги илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, келажакда тупроқ янги турдаги дори-дармонлар учун муҳим манба бўлиши мумкин.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саодат асрида мазкур масалаларга қандай эътибор қаратганлар? Ўша пайтларда одамлар тупроқ, сўлакка нисбатан қандай муносабатда эдилар? Жоҳилият замонида одамлар тупроқни нопок нарса деб билганлар, Ислом дини эса тупроқни покловчи восита деб эълон қилди. Тадқиқотлар ҳам тупроқнинг покловчи нарса эканини аниқлади. Жоҳилият давридаги одамлар сўлакни ҳам ёқимсиз нарса деб билганлар. Ўтказилган тадқиқотларда эса инсон сўлаги оғизни покловчи, оғриқни қолдирувчи восита экани маълум бўлди. Хулоса шуки, инсон сўлагига ҳам, тупроқда ҳам шифо бор.

Буни қарангки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тупроқ ва сўлакда шифо борлигини нозик услуб билан баён қилганлар ва Аллоҳ таолога тупроқ ва сўлак ила шифо беришини сўраб дуо қилар эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам беморнинг ҳақиқага дуо қилаётганларида “**Бисмиллаҳ, Аллоҳнинг изни ила еримизнинг тупроғи, баъзиларимизнинг сўлаги билан беморларимиз шифо топади**” дердилар. Ушбу ҳадисда тупроқ ва сўлакда шифо борлигига ишора бор ва бу ишора 14 аср олдин айтиб қўйилган.

Аллоҳ таоло ҳаммамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

**Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**